

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
<b>46. Муминов А., Норов Ш.</b> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
<b>47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.</b> АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
<b>48. Мўминова Г.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
<b>49. Муталлибжонов М.М.</b> ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
<b>50. Нафиддинова Х.Р.</b> БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
<b>51. Норматов О.</b> ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
<b>52. Нурматова М.М.</b> ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
<b>53. Пардаев А.А.</b> ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
<b>54. Примова Ф.А.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
<b>55. Расулов А.М.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
<b>56. Расулов Ҳ.М.</b> ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ  
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**  
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА  
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**  
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN  
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**  
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**  
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ  
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ  
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ  
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**  
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**  
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ  
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ  
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**  
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ  
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Топилдиева Муяссар Рахимджановна,  
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети,  
Ижтимоий фанлар факультети ўқитувчиси  
Тошкент, Ўзбекистон  
t\_muyassar@nuu.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИ

*For citation: Topildiyeva Muyassar Rakhimdjhanovna. HISTORY OF CREATION OF SUPREME COURT OF UZBEK'S SSR. Look to the past. 2020, SI, pp. 476-483*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-62>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бирламчи архив ҳужжатлари маълумотлари асосида Ўзбекистон ССРда Олий суднинг ташкил топиши ва бу борада олиб борилган ишлар, Олий суднинг вазифаси, структураси ва унга берилган ваколатлари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** давлат, республика, ҳукумат, тизим, бошқарув, ҳужжат, қонун, қарор, фармон, кассация, ҳуқуқ, кадр, кодекс, округ, инстанция, пленум, адлия, прокурор.

Топилдиева Муяссар Рахимджановна  
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека,  
Преподаватель факультета общественных наук  
Ташкент, Узбекистан.  
t\_muyassar@nuu.uz

## ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА УЗБЕКСКОЙ ССР

### АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе первичных архивных документов, рассматриваются создание и функционирование Верховного суда в Узбекской ССР, а также роль,

структура и полномочия Верховного суда.

**Ключевые слова:** государство, республика, правительство, система, управление, документ, закон, решение, постановление, кассация, право, специалист, кодекс, округ, инстанция, пленум, Юстиция, прокурор.

**Topildiyeva Muyassar Rakhimjanovna,**  
teacher of National university of Uzbekistan  
named after MirzoUlugbek,  
Tashkent, Uzbekistan  
t\_muyassar@nuu.uz

## HISTORY OF CREATION OF SUPREME COURT OF UZBEK'S SSR

### ABSTRANT

On the basis of primary archival documents, the creation and functioning of the Supreme Court in the Uzbek SSR, the role, structure and powers of the Supreme Court are considered.

**Index Terms:** state, republic, government, system, control, document, law, decision, decree, cassation, right, specialist, code, district, instance, plenum, justice, the prosecutor.

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришиб, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик қонун устувор бўлган давлат қуришдек олий мақсад сари интилмоқда. Истиқлол халқимизнинг маънавият уйғониши учун тўла имконият яратди. Юртимиз тарихи, қадимий маданиятимиз тикланмоқда ва олий қадрият нуфузига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Абдуганиевич Каримов таъкидлаганидек, "Тарих хотираси миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоёт муҳит ўрин тутади, Ўзбек олимларининг куч ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ўта муҳим саҳифалари янгидан кашф этилмоқда."

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мироомонович Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Парламентга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Юртимизда сўнги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва одил судловга эришиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини таъкомиллаштиришига қаратилган".

Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида Олий Суднинг вужудга келиш ва фаолияти тўғрисида мавжуд ўқув адабиётлари ва Ўзбекистон тарихи бўйича ёзилган дарсликларда бирор жумла учрамайди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Суди тарихи тўғрисида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Ушбу мавзунинг долзарблиги биринчи навбатда ҳозирги вақтда суд ислоҳотларини муваффақиятли ечим ва янги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш кўп даражада совет мавқураси салбий таъсирини бартараф қилиш билан тақдиланади. Совет давридаги суд органларининг сиёсатини объектив баҳолаш, мақсад ва вазифаларини ўрганиш ватанимиз тарихий илмини муҳим вазифаларидан

биридир.

## 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Совет даврида Ўзбекистон ССРда Суд тизими, уларнинг республикада амалга оширган ижтмоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги иштироки каби масалалар Ўзбекистонлик олимлар Ш.Ишонова (Sh.Ishanova 1992), М.Абдусаломов (M. Abdusalomov 1996), С.Джабборов (S.Djabborov 1996), Д.Камолов (D.Kamolov 2008) ва бошқаларнинг қатор асарлар ва мақолаларда ўз аксини топган.

## 3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитасининг 1924 йил 13 декабрдаги қарори билан РСФСР Олий суди Туркистон АССР бўмаси ўрнида, Ўзбекистон ССР Олий суди ташкил топди. Бу кун давлатимў тарихидаги биринчи ва ҳақиқий Олий суд ва суд органлари вужудга келган кун бўлиб қолди. Унинг аввалги суддан фаққи, у ўзининг мустақил функциялари билан таъминланганди.

Ўзбекистон ССР Олий суд барча қуйи суд органларини ягона тизимга бирлаштириб, судлар ва ҳарбий трибуналар устидан назоратни амалга ошира бошлади. Олий суднинг ташкилий ишлари билан Инқилобий Қомита (Ревком) шуғулланарди [1]. Инқилобий қўмита, биринчи галда фаолият олиб борувчи таркиб Олий суд таркибини тасдиқлайди. Унга қўра Олий суд раиси этиб А.Х. Шарофутдинов, биринчи ўринбосари И.Чудаев, иккинчиси Б.Шарипов, аъзолар Саидахметов, Рияновский, Упелькин ва бошқалар тайинланди. [2].

Олий суд алоҳида асосда ташкил этилган бўлсада, аввал бошданоқ мустақил фаолият олиб бормаган. Аниқроқ қилиб айтганда, у Ўзбекистон СССР Марказий Ижроия Қўмитаси қошида тузилган ва унга бўйсунарди. Чиқариладиган ҳукмлар Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми фикри билан боғлиқ эди. Мисол учун 1925 йил Ўзбекистон СССР Марказий Ижроия Қўмитаси олий жазога тортиш бўйича 52та ҳукмга санкция берди, ва Олий суднинг худди шундай 5та ҳукми, қаттиқ тартибдаги 10 йиллик қamoқ жазосига фйлантирилди. [3]

Бу даврда Олий суд таркибидаги баъзи тузумлари, унинг устидан назоратни қатъий тартибда бўлишини таъминларди. Худди шундай вазифани Олий суд Прокурори бажарарди. У 1925 йилда Ўзбекистон ССР Олий суди ҳузурида тузилган бўлиб, Олий суд ва унинг хайъати жинойи ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда қонунларга риоя қилиниши, Ўзбекистон СССР МИҚ Президиумига жазо сиёсатини тўғри амалга оширилишини кўриб чиқиш ишларини амалга оширган.

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий ҳудудий чегараланиш миллий, маъмурий, сиёсий ва иқтисодий масалаларга ўз таъсирини ўтказди. Ҳусусан, Ўзбекистон таркибида Тожикистон АССР ташкил топди ва кўп жиҳатдан унинг фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ эди. Суд тизими ҳам бундан холи эмасди, 1925 йил 23 майда Ўзбекистон СССР МИҚ Президиуми мажлисида юқоридаги масала кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистон СССР Олий суди раиси А.Шарафутдинов сўзга чиқиб, Тожикистон билан маъмурий хўжалик ва миллий-маданий муносабатларнинг яқинлиги, Ўзбекистон пойтахтидан олислиги, почта ва алоқа муносабатларининг қийинлиги ва энг асосийси бу ерда совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатларнинг ривожланиб бораётганлиги ҳисобга олиб Ўзбекистон ССР Олий судининг бўлинмасини ташкил этиш таклифи билан чиқди. [4].

Олий суд Тожикистон бўлинмаси тўғрисидаги қарор лойиҳаси, мавжуд вазиятни ҳисобга олиб вақтинчалик муддатга қабул қилинди. Шунингдек, мажлисда Олий суд Тожикистон бўлинмаси раиси ва унинг ўринбосарини тасдиқлаш масаласи ҳам кўрилди. Бўлинма раиси этиб М.Йўлдошев, ўринбосар сифатида Г.Мейлихович

тасдиқланди.

1924 йил СССРнинг янги конституцияси қабул қилинди. Буни совет давлатидаги турли ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Натижада, суд қонунчилиқда ҳам ўзгаришлар бўлди. Ўша йили "СССР ва Совет республикаларида судларни ташкил этиш Тўғрисида" ги қонун қабул қилинди. Шунга асосланиб, 1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР МИҚ "Ўзбекистон ССРда судларни ташкил этиш тўғрисида" ги қонун ишлаб чиқди. 1927 йил 15 февралдан бу қонун кучга кирди. [5]. Бу қонуннинг ишлаб чиқилиши бизнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзига хос воқеа ҳисобланади. Гарчи бу қонун "марказ" ишлаб чиқарган қонунларга боғлиқ бўлсада, аммо Ўзбекистон ССР суд-ҳуқуқ тизими ҳақида алоҳида қонун эди. Ушбу қонунда Олий суд тўғрисида алоҳида келтириб ўтилган бўлиб, вазифаси ва структураси аниқ белгиланган эди. Яна унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, Ўзбекистон таркибида Тожикистон АССР судлов маҳкамалари тенг асосда фаолият олиб бориш мумкинлиги таъкидланган эди.

1927 йил охирларига бориб Тожикистон АССР суд тизимида ўзгариш бўлди. Яъни, Ўзбекистон ССР Олий суди Тожикистон АССР Бош суди ташкил этилди. Тожикистоннинг Тоғли-Бадахшон ва бошқа вилоятларига Бош суднинг вакиллик институтлари киритилди. Шу билан бир вақтда Бош суд пленуми қарори асосида биринчи инстанция судлари ташкил топди. 1929-1933 йилларда Ўзбекистонда Олий суд ва бошқа суд ҳуқуқ органларининг асосий эътибори қишлоқ хўжалиги, колхозларга зарар етказишнинг олдини олиш, ўғрилиқ ва талотарожиликка қарши курашиш бўлиб қолди. Шу мақсадда 1932 йил 23 сентябрда Ўзбекистон ССР Адли Халқ комиссарлиги "Пахта йиғим- терими ва пахта тайёрлаш компаниясида адлия органларининг иштироқи тўғрисида" қарор чиқарди. Бу бежизга эмасди. Ўша вақтларда Ўзбекистонда "пахта яккаҳонлиги"ни ўрнатиш чоралари кўриляётган эди. Ўзбекистоннинг "марказ"га берадиган асосий маҳсулоти ҳам пахта эди ва бу ишларни қаттиқ назоратга олиниши кутилмаган воқеа эмас.

1930 йилда республикада районлаштириш ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида округлар тугатилди. Шу билан бирга округ судлари ва округ прокуратуралари ҳам тугатилди. [6]. Ўзбекистонда иккита суд: 1) халқ судлари, 2). Олий суд қолди.

1930 йилларда жамият ҳаёти ва сиёсатда ҳам бир қатор ўзгаришлар юз бера бошлади. 1929 йил 24 июлда СССР Олий суд ва СССР Олий суди прокуратураси тўғрисидаги янги қарор қабул қилинди. [7] Ўзбекистон СССР Фдлия Халқ Комиссарлиги 1929 йилавгустидан янги жиноят процессуал кодексини ишлаб чиқди. Бу кодекс 1926 йил ЖПКдан ихсамлаштирилганлиги билан фарқ қиларди. Бунда суритирув ва терговқилиш ишлари бирлаштирилди. Олий суд ва бошқа судлов органлари ҳузуридаги тергов органлари прокуратура органларига олиб берилди. Бундан ташқари терговчи прокурорнинг айрим назорат қилиш функциялари билан ҳам таъминланганди. ЖПКда жиноят ишини кузатиш ёки рад этиш эса қонунчилиқнинг бузилиши ва қатағонларнинг бошланишига олиб келди. [8].

1931 йил 20 июлда "Судларни ташкил этиш тўғрисида" ги янги тахрирдаги қонун қабул қилинишига олиб келди. [9]. Бу Тожикистон АССРнинг 1929 йилда Ўзбекистон таркибидан чиқиб, иттифоқдош совет республикасига фйланиш, округ судларининг тугатилиши ва халқ судлари салмоғининг ортиши, Олий суд ва бошқа қуйи судлардаги тергов органларининг прокуратураларга олиб берилиши каби ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Янги қонун қабул қилинган бўлсада баъзи

қуйи судларда округ судлари қайта тикланди. Яъни, Хоразм давлат марказидан олисдалиги ва қийин шароитниҳисобга олиб Ўзбекистон ССРМИҚ кенгаши 1931 йил Хоразм округини ташкил этиш тўғрисидаги қарор чиқарди. Кейинсалик Қашқадарё ва Сурхандарё округлари ва округ судлари ҳам шу тақлидда юзага келди. [10]. 1931 йил 30 январда Ўзбекистон ССР Адлия Халқ комиссарлиги аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи "Меҳнаткаш аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида" Республика судларига кўрсатма беради. [11]. Унда аёлларга эскича муносабатда бўлувчиларга қарши аниқ ва қатъий чоралар кўриш таъкидланганди.

Совет давлати бошқарув органларининг ажралмас қисмларидан бири сифатида ташкил этилган Ўзбекистон ССР Олий судининг вазифа ва ваколатлари ҳам социалистик тузум манфаатларига мос равишда шакллантириб борилди.

Ўзбекистон ССР Олий суди ваколатидаги ишлар қуйидагилардан иборат бўлган:

- Ўзбекистон ССР ва Тожикистон АССРнинг барча судлов органларига қонунларнинг қўлланма изоҳларини бериш;

- Олий суд, судлов ҳайъатлари ёки халқ судлари ҳукм ва қарорларни кўриб чиқиш, буларнинг умумийиттифоқ ва республика қонунларига мувофиқ келмаганда бекор қилиш ёки ўзгартириш;

- Округ судлари ёки халқ судлари қарор ва ҳукмлари устидан берилган кассация шикоят фризалари ва протестларини ҳамда мазкур судлар қарор ва ҳукмлари устидан берилган ҳусусий шикоятларни кассация тафтиш инстанцияси сифатида кқриб чиқиш;

- Жиноий ва фуқаролик ишларини биринчи инстанция суди сифатида, Жиноий процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларининг тегишли моддаларига мувофиқ Олий суд ваколатига Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми, Олий суд Пленуми, Республика прокурори ёки давлат сиёсий бошқармаси раиси томонидан тақдим этилган жиноий ва фуқаролик ишларни кўриш;

- Тожикистон АССР вилоят судлари чиқарган ҳукм Ўзбекистон ССР Олий суди қарор ва ҳукмлари устидан Ўзбекистон ССР МИҚга республика прокурори ва Тожикистон МИҚ протест киритиши мумкин эди. 1929 йилда Тожикистон АССР Ўзбекистон таркибидан чиқгач, бу ваколат фақат Республика ихтиёрида қолди.

Олий суд пленуми қуйидагиларни бошқаради:

- Суд амалиёти бўйича Олий суд ҳайъатлари ёки президиуми алоҳида ҳайъати томонидан кўрсатилган масалалар бўйича, Олий суд Президиуми, Республика Прокурори ёки Олий суд Прокурори тақдим этган масалалар бўйича қонунлқрини шарҳлаш;

- Олий суд ҳайъатининг ва халқ судларининг ҳукмлари, қарорлари ва ажримларини Ўзбекистон ССР МИҚнинг қарорлари бўйича ёки Олий суд раиси, унинг ўринбосари Республика Прокурори ёки Олий суд Прокурорининг протестлари бўйича тасдиқлаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги Олий суд Президиумининг қарорларини кўриш ва тасдиқлаш;

- Олий суд Президиумининг кун тартибини тасдиқлаш.

Пленум чиқарган қарорлар қонун кучига тенг бўлган. [12]. Суд амалиёти бўйича берган шарҳлари Ўзбекистон ССР доирасидаги барча суд муассасалари учун мажбурий эди.

Олий суд Президиуми - Олийсуднинг ташкилий масалалари билан шуғулланувчи қисми. Президиум, Олий суд раиси, унинг ўринбосари, жиноий ва

фуқаролик ишлари бўйича хайъатлар раисларидан тузилади. Президиум ваколатидаги ишлар қуйидагилар ҳисобланган:

- Олий суд хайъатлари ишлари устидан назорат қилиш;
- Олий суд Президиум ва Пленум мажлисларини чақириш, ушбу мажлислар учун рўзномалар тузиш ва улар учун материаллар тайёрлаш;
- Олий суд хайъатининг кўчма сессияларини тайинлаш ва уларнинг ишлаш жойларини белгилаш;
- Олий суднинг фаолияти ҳақидаги ҳисобот тузиш ва уни Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми тасдиғига киритиш;
- Олий суднинг маъмурий-хўжаликаппаратига бевоситараҳбарлик қилиш;
- Адлия халқ комиссарлиги ҳамда Олий суд Пленуми олдида тегишлича Олий суднинг ишига боғлиқ бўлмаган ҳамма масалаларни қўзғатиш;

Олий суднинг жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича кассация ҳайъати - асосий вазифаларидан бирини амалга оширган, хайъат Олий суд раисининг бевосита раҳбарлиги остида фаолият олиб борган, хайъат раиси Олий суд раиси ўринбосари ҳисобланган.

Кассация ҳайъати судлов кенгашининг таркиби Олий суд аъзоларидан раислик қилувчи ва икки аъзодан тузилган. Айрим ҳолларда, Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми алоҳида қарори бўйича Олий суд раисининг тақдимномаси бўйича кассация ҳайъатида қўриладиган ишларни текширишда қатнашмаган халқ судьялари киритилиши мумкин эди. [13].

Кассация ҳайъати вазифаси судлар чиқарган ҳукм ва қарорларни назорат ва кассация тартибида кўриб чиқиш бўлган.

Кассация ҳайъати иши суд хайъати ишидан, узлуксиз равишда давом этиши билан фарқ қиларди. Бунга сабаб бир томондан кассация тартибидаги ишлар бўлса, иккинчи томондан Республика Прокурорининг протести ёки Олий суднинг назорат тартибидаги мурожаати туфайли ишлар аниқ режа бўйича давом этган [14].

Жиноий ва фуқаролик иши бўйича суд хайъати - Олий суднинг ўзига тегишли бўлган судлов фаолиятини олиб борган. Давлат аҳамиятига молик сиёсий жиноятлар энг оғир тартибдаги жиноий ишлар юқори инстанция тартибида Олий суднинг ушбу хайъати томонидан кўрилган. Суд хайъати таркиби бўйича Олий суд раиси ўринбосари ва назорати остида фаолият юритган. Суд хайъати суд мажлислари раиси, Олий суд аъзоларидан ва Ўзбекистон ССР МИҚ Президиуми томонидан ҳар йили тасдиқланган алоҳида рўйхат бўйича чақираладиган икки нафар халқ маслаҳатчиларидан ташкил топаган. Суд хайъатининг жиноий ишлар бўйича шуғулланувчи бўлими ҳузурида тергов қисми жойлашган. Тергов қисмида Олий суд Прокурори ва раиси ўринбосари назорати остида муҳим ишлар бўйича терговчилар фаолият олиб боришган. [15].

Интизомий хайъати таркиби Олий суд уч аъзосидан иборат бўлган, Аъзолар Олий суд Пленумида сайланган, Интизомий хайъат ваколатларига:

- Олий судга бўйсунувчи барча судлар аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш кирар эди. Интизомий чоралар;
- Огоҳлантириш;
- Хайфсан;
- Қўйи лавозимга тушириш;
- Судда фаолият олиб боришда икки йил муддатга четлаштириш.

Интизомий таъсир чораси 3 ойдан кечиктирилмаган муддатда айбдорлиги кўрсатилганда қўзғатилиши мумкин бўлган. Округ судлари интизомий хайъатлар

чиқарган қарор устидан то у Олий суд интизомий хайъатига оширилгунча қадар шикоят қилиш мумкин бўлган. Интизомий хайъат кўриб чиқаётган ишни жиноий жавобгарлик белгилари бўлган тақдирда ишни тўхтатиб уни судловга ошириши керак эди. Олий суд интизомий хайъатининг вазифаси ва ваколатлари шулардан иборат бўлган. У бошқа хайъатлардан фарқи шундаки, доимий эмас, заруратга қараб чақирилиб турган. [16]. Юқорида санаб ўтилган бўлимлардан ташқари Олий суд таркибида бир қанча вазифалар бўлган. Шулардан бири Олий суд Прокурори вазифаси бўлиб, унинг ваколатига:

- Ўзбекистон Олий суди ва унинг ҳайъатлари, жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишда қонунларга амал қилишни назорат қилиш;

- Жазо сиёсатини тўғри амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар бўйича Ўзбекистон ССР МИҚга таклиф киритиш;

- Айрим ҳолларда Олий суд Пленумининг баъзи масалалар бўйича чиқарган қарорлари устидан Республика Прокурорининг норозилик билдиришини у орқали амалга ошириш вазифаларини бажарган.

#### 4. Хулосалар:

Мақолага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ, Ўзбекистон Олий суди вужудга келиши Совет даврида юз берди ва у янгича судлов тизимининг мақсули эди. 1930-1934 йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимида қанчалик катта ўзгаришлар бўлган. Олий суднинг судлов ишлари ўз ваколати доирасидан тобора ўзоқлаша бошлади. Давлатга қарши жиноий ишлар, Олий суд махсус хайъати ва НКВД махсус кенгаши томонидан ҳал этила бошланди. Қонунчилик асосида адолатли судлов жараёнини ўрнини мафкурага бўйсунувчи ҳукмрон кучлар иродасидан келиб чиқадиган жазо сиёсати эгаллай бошлади. 1938 йилда қабул қилинган "Судларни ташкил этиш тўғрисида"ги қонун кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарди. Барча суд тизимларининг ҳаддан ташқари марказлашуви содир бўлди. Бу қарор ва ҳукмларни муҳокама қилишни қийинлаштирди. Ўзбекистон ССР Олий суди ҳаттоки судлар устида назорат қилиш ваколатидан тўла маҳрум бўлди. Ўзбекистон ССРда алоҳида даражадаги ишларни кўриб чиқиш бўйича Олий суд ваколати ҳам мавжуд бўлиб, бунда кўпроқ ички масалалар билан бирга ташқи мунозарали масалалар ҳам муҳокама этилган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг суд ҳуқуқи йўналишига алоҳида эътибор қаратилгани бежизга эмас. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу - қонун учтуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли суд-ҳуқуқ тизими изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда Суд ҳокимиятини собиқ тузумда бўлгани каби инсонларни жазолаш органи эмас, балки фуқароларнинг эркинликларни ҳимоя қилувчи орган сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

- 
- [1]. Мингбоев У. Олий суд: кеча ва бугун. -Тошкент.: "Камалак", 1994, 10-бет  
[2]. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Р-87- фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 44-вароқ.  
[3]. ЎМА. Р- 86-фонд, 1-рўйхат, 2224-иш, 278-вароқ.

- [4]. ЎМА. Р- 86-фонд, 1-рўйҳат, 2222-иш, 28-вароқ.
- [5]. История советского государства и право в Узбекистане. Т-2. - Ташкент, 1969, 186-стр.
- [6]. История советского государства и право в Узбекистане. -Т.: 1969, 405-стр.
- [7]. ЎМА. Р- 904-фонд, 9-рўйҳат, 29-иш, 40-вароқ.
- [8]. Ҳамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. - Тошкент.: ТЮИ, 2004, 78-бет.
- [9]. Собрание узаконений и распоряжение Уз ССР, 1931, №25, 215-стр.
- [10]. Иркаходжаев К. Организации и деятельность Верховного суда Уз ССР. Ташкент. Дисс. кан. юрид. наук.
- [11]. ЎМА. Р- 904-фонд, 9-рўйҳат, 29-иш, 40-вароқ.
- [12]. ЎМА. Р- 904-фонд, 1-рўйҳат, 215-иш, 378-вароқ.
- [13]. ЎМА. Р- 904-фонд, 1-рўйҳат, 215-иш, 379-вароқ.
- [14]. ЎМА. Р- 904-фонд, 1-рўйҳат, 215-иш, 380-вароқ.
- [15]. ЎМА. Р- 86-фонд, 1-рўйҳат, 3867-иш, 187-вароқ.
- [16]. Мингбоев У. Олий суд: кеча ва бугун.-Тошкент:Камалак,1994, 10-бет.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000